


# Ўзбекистон Республикасида ташаббусли бюджетлаштиришни амалга ошириш ва ривожлантириш истиқболлари



Бюджет маблағларини фуқаролар ташаббуси асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш механизмини такомиллаштириш






Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сон “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Халқ билан очиқ мулоқот натижалари асосида тайёрланган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” да амалга оширишга оид давлат дастурида жорий йилда ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда ҳар бир ҳудудда биттадан туман (шаҳар) бюджетини шакллантиришда харажатларнинг камида 5 фоизини бевосита аҳолининг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиб, маҳалладаги муаммоларни ҳал этишга йўналтириш тартиби эксперимент тариқасида жорий этилиши кўзда тутилган.



## Молия вазирлиги томонидан 2019 йилда “Очиқ бюджет” ахборот портали ишга туширилди

### Очиқ бюджет ахборот портали



Порталда куйидагилар кўзда тутилган:



Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари **ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар**, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси **Ҳисоб палатасининг хулосаларини** жойлаштириш орқали бюджет харажатларининг манзиллилиги устидан **жамоатчилик назоратини** амалга ошириш;



**жамоатчилик фикрини шакллантириш** учун туман (шаҳар)лар бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан молиялаштирилиш таклиф этилаётган тадбирлар тўғрисидаги ахборотни жойлаштириш;



бюджет қонунчилигини бузиш ҳолатлари тўғрисида хабардор қилиш ва бюджет жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш имкониятини ўз ичига олган **фуқаролар билан қайта алоқани ташкил этиш**.

## Ташаббусли бюджет жараёнини жорий қилиниши

10%

2019 йилдан бошлаб бюджет маблағларини тақсимлашда туманлар (шаҳарлар) бюджети қўшимча манбаларининг камида **10 фоизини жамоатчилик таклифи** асосида шаклланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришни назарда тутган ҳолда фуқаролар иштирокини таъминловчи механизм жорий қилинди.

2021 йил 1 июлдан бошлаб жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга ажратилган туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшимча маблағларининг энг кам миқдори **10 фоиздан 30 фоизга оширилди.**

2021 йилдан бошлаб **14 та** туман ва шаҳарларда эксперимент тариқасида тегишли бюджет харажатларининг **5 фоиз қисми** ташаббусли бюджет жараёнларига йўналтирилиши белгиланди.

Мазкур 14 та туман ва шаҳарлар учун жорий йилди истисно тариқасида республика бюджети ҳисобидан жами **92,7 млрд сўм** маблағлар ажратилди.


2022 йилдан бошлаб эса мазкур тартиб республиканинг **барча туман ва шаҳарларида** тадбиқ этилади.

## Жамоатчилик фикри асосида бюджет маблағларини йўналтиришнинг амалдаги механизмини қайта кўриб чиқилди

- фуқаролик ташаббусларини амалга оширишнинг қуйидаги **босқичларини жорий этилмоқда:**

1. ташаббускор фуқаролар томонидан туман (шаҳар) инфратузилмасини яхшилаш бўйича таклиф/лоийҳаларни тақдим этиш;
2. тақдим этилган таклиф/лоийҳаларни тасдиқланган мезонларга мувофиқ саралаб олиш;
3. танловдан ўтган ташаббускор фуқароларнинг таклиф/лоийҳаларини жамоатчилик овозига қўйиш;
4. оммавий овоз бериш натижаларига кўра ғолиб бўлган таклиф/лоийҳаларни аниқлаш;
5. жамоат назорати ва фуқаролик ташаббусларини амалга оширилишини мониторинг қилиш.

- туман (шаҳар) инфратузилмасини яхшилаш учун ташаббускор фуқаролар томонидан тақдим этилган таклиф/лоийҳаларни баҳолаш ва танлаш мезонларини ишлаб чиқиш.





## "Фуқаролар ташаббуси" жамғармаси

туман (шаҳар) бюджетлари даражасида:



**5%** тасдиқланган харажатларнинг 5% миқдорида  
**30** қўшимча манбаларнинг камида 30% миқдорида

Фуқаролар ташаббуси асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш учун маблағларни жамлаш мақсадида туман (шаҳар) бюджетлари даражасида (тасдиқланган харажатларнинг 5% ва қўшимча манбаларнинг камида 30% миқдорида) махсус ғазни ҳисобварақлари **"Фуқаролик ташаббуси жамғармаси"** очилди.



Бюджет кодексининг 119-моддасига биноан туманлар ва шаҳарларнинг қўшимча манбалари қуйидагилардан иборат.

- ✓ хар йил бошида аниқланадиган эркин қолдиқ маблағлари;
- ✓ биринчи - учинчи ҳисобот чорақлари натижалари бўйича аниқланган туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг даромадлари прогнозини ортикча бажариш;
- ✓ давлат даромадига ўтказилган мулкни сотишдан тушадиган маблағлар;
- ✓ электрон савдо майдончасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сотишдан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тушадиган маблағлар;
- ✓ Бюджет кодексининг 120-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ бюджет маблағлари камайиши натижасида бўшатишган маблағлар.

## Туманлар (шаҳарлар) ҳокимиятлари:



феврал;июль



- аризаларни / таклифларни / лойиҳаларни қабул қилишнинг охириги муддати;



- аризалар / таклифлар / лойиҳаларни тақдим этиш тартиби;



- аризалар / таклифлар / лойиҳалар учун танлов мезонлари



- туман (шаҳар) инфратузилмасини яхшилаш бўйича аризалар / лойиҳалар / таклифларни қабул қилишни бошлаш;

Маҳаллий ҳокимият органлари (оммавий ахборот воситалари, телевидение ва бошқа ахборот манбалари орқали) фуқароларни тадбирдан хабардор қиладилар ва ариза (таклифларни) қабул қилишни бошлайди.



## 1-босқич

**Молия вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ёшлар билан ишлаш агентлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари**



ташаббусли бюджет жараёнини амалга ошириш механизмини, унинг моҳиятини кенг ёритиш мақсадида **методик ҳамда ўқув материаллари тайёрлайди ва тарқатади.**

феврал;июль



## 2-босқич



Ташаббускор фуқаролар томонидан **тасдиқланган меъзонларга асосан** ўзларининг маҳалла ёки туман (шаҳар)дги муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар **"Очиқ бюджет"** ахборот порталига жойлаштирилади.

30 кун давомида



- ✓ таклифлар тегишли ҳудудда истиқомат қилувчи **вояга етган фуқаролар** томонидан берилиши мумкин.
- ✓ таклиф бериш истагини билдирувчи шахслар белгиланган тартибда **"Очиқ бюджет"** ахборот порталида **рўйхатдан ўтади**.

- ✓ фуқароларда **"Очиқ бюджет"** ахборот порталидан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлмаса, улар **ўз овозларини** тегишли туман (шаҳар) ҳокимлиги молия бўлимида **ёзма равишда** қолдириши мумкин.
- ✓ ёзма равишда тақдим этилган овозлар туман (шаҳар) ҳокимлиги **молия бўлимининг масъул ходими** мустақил равишда **"Очиқ бюджет"** ахборот порталига киритади.





## Тадбирлар қуйидаги мезонлар асосида танлаб олинади:



- ✓ туман (шаҳар)нинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларидан келиб чиқиб, шунингдек, аҳолидан тушаётган мурожаатлардаги муаммолар;
- ✓ **жамоавий муаммоларни ҳал этиш қаратилганилиги** (хиёбонлар, болалар майдончаси барпо этиш, ички йўлларни ва ижтимоий соҳа объектларини таъмирлаш, экологияни яхшилаш, ичимлик ва оқова суви билан таъминлаш, кўча чироқларини ўрнатиш (таъмирлаш) ва шу кабилар);
- ✓ жамоатчилик томонидан билдирилган таклифлар **идоравий ёки шахсий хусусиятга эга бўлмаслиги** (шахсий автомашина ёки турар жой харид қилиш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, маъмурий биноларни таъмирлаш);
- ✓ берилган таклифларни амалга оширишнинг умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг **4 минг баробаридан** ошмаслиги лозим.

## ИШЧИ ГУРУҲНИНГ НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ:

1 бирлик	1 бирлик	келишув асосида	1 бирлик	1 бирлик	келишув асосида	келишув асосида
ҳокимнинг биринчи ўринбосари - <b>комиссия раиси;</b>	- ҳокимнинг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари	туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашининг вакили	Туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари - маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи	Туман (шаҳар) ҳокимлиги молия бўлими мудир (вакили)	Туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши вакили	Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг вакиллари

\*заруратга кўра, туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан ишчи гуруҳ таркибига бошқа мутахассислар ҳам жалб этилиши мумкин;

## 3-босқич

### Аризалар / таклифлар / лойиҳаларни танлаш бўйича комиссия



✓ ташаббускор фуқаролар томонидан келиб тушган мезонларга мувофиқлиги ҳамда тадбирлар амалга оширилиши имкониятларини ўрганган ҳолда **таклифларни танлаб олади.**

✓ Ишчи комиссия **томонидан рад этилган таклифлар** бўйича таклиф берган шахснинг шахсий кабинетига рад этишнинг **асосланган сабаблари тўғрисида хабарнома юборилади.**



✓ танлаб олинган таклифлар танлаб олинган санадан эътиборан **уч иш куни ичида** ишчи орган томонидан онлайн овоз беришни ташкил этиш учун **“Очиқ бюджет” ахборот порталига жойлаштирилади.**

15 иш кунида



## Оммавий овоз бериш

Жамоатчилик томонидан овоз бериш жараёни ўтказилади.

- ✓ Овоз бериш таклифлар жойлаштирилган санадан эътиборан **ўн иш куни** давомида ўтказилади.
- ✓ “Очиқ бюджет” ахборот порталида рўйхатдан ўтган ҳар бир шахс “Очиқ бюджет” ахборот порталида жойлаштирилган **фақат бир таклифга овоз бериши мумкин.**



Ғолибларни аниқлаш:

Овоз бериш жараёни якунларига кўра, ҳар бир ҳудудда энг кўп овоз тўплаган таклифлар ғолиб деб топилади ва таклифларга берилган овозлар сонидан келиб чиқиб **юқоридан пастга қараб саралаб олинади.**

Ғолиб деб топилган таклифларни амалга оширишнинг жами қиймати тегишли жамғармада мавжуд маблағлар миқдоридан **ошиб кетиши мумкин эмас.**

20 иш куни



7 кун



## 5-босқич

### Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари, Комиссия



овоз бериш жараёни якунларига кўра, **ғолиб таклифларни** молиялаштириш юзасидан овоз бериш жараёни якунланган санадан эътиборан бир ҳафта муддатда тегишли халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига **кўриб чиқиш учун киритади.**



## 6-босқич

### Халқ депутатлари Кенгашлари



овоз бериш жараёни якунларига кўра ғолиб деб топилган таклифлар (лойиҳалар)ни амалга ошириш учун **маблағ ажратиш юзасидан қарор тасдиқланади.**

маъқулланган таклифларни “Очиқ бюджет” ахборот порталида ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали **эълон қилиб боради.**

25 апрелга қадар;  
25 сентябрга қадар



## 7-босқич

## 8-босқич

## 9-босқич



### Туманлар (шаҳарлар) ҳоқимликлари:



Лойиҳаларни амалга ошириш (тендерларни ўтказиш, пудратчиларни ёллаш ва бошқалар)

йил давомида



Оммавий ахборот воситаларида лойиҳаларнинг бориши тўғрисида маълумотларни эълон қилиб бориш ва эришилган натижалар тўғрисида ҳисоботни "Очиқ бюджет" порталига жойлаштириш

Ҳар ойлик



Йил якунига кўра жамоатчилик фикри асосида шакланган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилган маблағларни сарфланиши юзасидан Халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашига **ҳисобот киритилади.**

кейинги йил 25 январгача



## 10-босқич



### Халқ депутатлари Кенгашлари:

Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари ҳар йили 1 февралга қадар туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан киритилган ўтган йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилган маблағларнинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлайди.

кейинги йил 1 февралгача



## 11-босқич

### Ишчи комиссия:



ҳар йили **10 февралга қадар** ўтган йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилган маблағларнинг сарфланиши юзасидан **тасдиқланган ҳисоботни** “Очиқ бюджет” ахборот порталига жойлаштиради.

кейинги йил 10 февралгача



## Жамоатчилик фикри асосида шакланган тадбирларни молиялаштиришни механизми янада кенгайтирилид



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 сентябрдаги ПҚ-5250-сон ““Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шакланган тадбирларни молиялаштиришни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.



фуқаролар томонидан келиб тушган таклифларни молиялаштириш учун “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”да 1 млрд сўмдан кам маблағ шакланган 120 та туман ва шаҳар учун қўшимча **57,9 млрд сўм**;



“Очиқ бюджет” ахборот портали орқали келиб тушган таклифлар сони 100 тадан ошган 119 та туман ва шаҳарларнинг ҳар бирига қўшимча 500 млн сўмдан учун жами **59,5 млрд сўм** маблағлар ажратилди.



2022 йилдан бошлаб туман (шаҳар) бюджетидан ички йўлларни таъмирлаш учун ажратиладиган маблағларнинг **50 фоизини** жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган лойиҳаларга йўналтирилиши бўйича **янги тартиб жорий этилмоқда**.

Жамоатчилик фикри асосида шакланган тадбирларни амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштириш, институционал потенциални ошириш бўйича “Йўл харита” тасдиқланди.

Ҳар бир маҳалла ва овулда “Очиқ бюджет” ахборот порталида таклиф қолдириш ва овоз бериш жараёнига кўмаклашувчи “мобил” гуруҳлар ҳамда “ташаббускорлар бурчаги” ташкил этилади.




# Ташаббусли бюджет жараёнининг натижалари



Келиб тушган  
таклифлар  
сони – **41 125**




Қабул қилинган ва  
овоз бериш босқичига  
ўтказилган таклифлар  
**23 062 (57%)**



Комиссия  
томонидан рад  
этилган таклифлар  
**18 063 (43%)**



Фуқаролар томонидан  
овозлар сони – **1 149 499 та**



■ Онлайн овозлар ■ СМС орқали берилган овозлар ■ Оффлайн овозлар

## Худудлар кесимида фуқаролар томонидан берилган таклифлар сони худудлар кесимида





# Ташаббусли бюджет жараёнининг 3-босқич – овоз бериш натижалари

T/P	Худуд номи	Билдирилган таклифларни модерациядан ўтказилиши ва уларга овоз берилиши						
		Келиб тушган таклифлар сони	шундан:		Жами берилган овозлар сони	шундан:		
			Қабул қилинган	Рад этилган		Онлайн овозлар	СМС орқали берилган овозлар	Оффлайн овозлар
<b>ЖАМИ</b>		<b>41 125</b>	<b>23 034</b>	<b>18 091</b>	<b>1 149 499</b>	<b>95 176</b>	<b>988 370</b>	<b>65 953</b>
1	Фарғона вилояти	3501	1844	1657	221 226	24 305	192 755	4 166
2	Тошкент вилояти	2329	1464	865	106 636	7 724	93 634	5 278
3	Наманган вилояти	4414	3301	1113	100 705	5 657	84 399	10 649
4	Хоразм вилояти	2255	1616	639	97 425	4 992	80 965	11 468
5	Кашкадарё вилояти	2404	613	1791	95 414	5 663	83 348	6 403
6	Сурхондарё вилояти	1453	1086	367	89 311	4 382	79 843	5 086
7	Навоий вилояти	1652	534	1118	82 908	14 032	67 824	1 052
8	Қорақалпоғистон Республикаси	6523	3829	2694	75 421	7 497	65 070	2 854
9	Бухоро вилояти	5651	3802	1849	74 111	5 620	66 534	1 957
10	Самарқанд вилояти	2059	582	1477	64 196	4 200	58 424	1 572
11	Сирдарё вилояти	1591	571	1020	44 977	1 669	32 843	10 465
12	Жиззах вилояти	2783	1517	1266	44 582	4 373	38 426	1 783
13	Анджон вилояти	2300	1641	659	34 215	2 498	29 254	2 463
14	Тошкент шаҳар	2206	633	1573	18 372	2 564	15 051	757

# Ташаббусли бюджет жараёнининг натижалари СОҲАЛАР КЕСИМИДА



## Жами таклифлар сони

41 125



# Ташаббусли бюджет жараёнининг натижалари

## Ғолиб деб топилган таклифлар



### Жами ғолиблар сони


**1594 та**



### Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра ғолиб таклифларнинг амалга ошириш қиймати

**407 065**

**млн сўм**





Эътиборингиз учун  
ташаккур!

